

“O‘zenergosotish” aksiyadorlik jamiyati
Ягона таъсисчисининг 8 - сон қарори

2024 йил 21 октябрь

Тошкент шаҳри

“O‘zenergosotish” AJ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 сентябрдаги ПФ-166-сон Фармони асосан ташкил этилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Жамиятнинг Ягона таъсисчиси ҳисобланади.

Ушбу қарор Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 58-моддасига асосан қуйидаги масалалар юзасидан қабул қилинди:

1. “O‘zenergosotish” AJнинг бирламчи акцияларини чиқариш тўғрисида.

2. “O‘zenergosotish” AJнинг бирламчи акцияларини чиқариш тўғрисидаги қарорини тасдиқлаш.

3. “O‘zenergosotish” AJ Ягона таъсисчисининг 2024 йил 20 августдаги 6-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида.

Кун тартибдаги биринчи масала юзасидан:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 сентябрдаги ПФ-166-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида, Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг (Ягона таъсисчи) 2023 йил 24 ноябрдаги 1-сон қарори билан “O‘zenergosotish” AJ ташкил этилган ва 2023 йилнинг 1 декабрида Жамиятнинг Устави тегишли давлат идораларида рўйхатдан ўтказилган. Жамиятнинг Уставига кўра “O‘zenergosotish” AJнинг устав фонди миқдори 176 592 000,0 сўм этиб белгиланган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 31-моддасига мувофиқ агар жамиятнинг пулдан ўзга воситалар билан ҳақи тўланаётган акциялари ва бошқа қимматли қоғозларининг номинал қиймати қонунчиликда белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан кўпни ташкил этса, жамиятнинг акциялари ва бошқа қимматли қоғозларининг ҳақи сифатида киритилаётган мол-мулкнинг пулда ифодаланган баҳоси баҳоловчи ташкилот томонидан чиқарилиши зарур.

Шу сабабли, “O‘zenergosotish” AJ томонидан “O‘zbekiston MET” AJдан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг улуши сифатида қабул қилиб олинган мол-мулклар (мебел, техника ва офис ускуналари), “ACTIV VALUATION” МЧЖ баҳолаш ташкилоти тарафидан 176 592 900,0 сўмга баҳоланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 17-моддасига мувофиқ Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) жамият уставида назарда тутилган миқдорда шакллантиришнинг энг кўп муддати жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги керак.

Шу боис, “O‘zenergosotish” АЈнинг бирламчи акциялар чиқарилишини амалга ошириб, ушбу акцияларни 2024 йилнинг 30 ноябрига қадар Жамиятнинг Ягона таъсисчиси - Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг Депо ҳисоб рақамига жойлаштириш зарур ҳисобланади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ “O‘zenergosotish” АЈнинг Ягона таъсисчиси **қарор қилади:**

1.1. “O‘zenergosotish” АЈга юклатилган топшириқ ва вазифаларни ўз муддатларида бажарилишини ва Жамиятнинг фаолиятини йўлга қўйилишини таъминлаш учун “O‘zenergosotish” АЈ томонидан “O‘zbekiston MET” АЈдан қабул қилиб олинган мол-мулклар (мебел, техника ва офис ускуналари), “ACTIV VALUATION” МЧЖ баҳолаш ташкилоти тарафидан 176 592 900,0 сўмга баҳоланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

1.2. “O‘zenergosotish” АЈ томонидан умумий қиймати 176 592 000,0 (бир юз етмиш олти миллион беш юз тўқсон икки минг) сўм бўлган номинал қиймати 1000 сўмлик 176 592 дона эгасининг номи ёзилган оддий акцияларнинг бирламчи чиқарилиши амалга оширилсин.

1.3. “O‘zenergosotish” АЈ томонидан ушбу акцияларнинг бирламчи чиқарилиши қуйидаги шартларда ва тартибда амалга оширилсин:

Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули - ушбу чиқарилишдаги акциялар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 сентябрдаги ПФ-166-сон Фармони ва “O‘zenergosotish” АЖ Ягона таъсисчисининг мазкур қарорига асосан ёпиқ обуна усулида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига жойлаштирилади;

Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати - ушбу чиқарилишдаги акциялар Жамият юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб бир йилдан кечиктирмасдан жойлаштирилиши керак;

Ушбу чиқарилишдаги акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси - Ушбу акцияларнинг бирламчи чиқарилиши тўғрисидаги қарор давлат рўйхатига олинган сана;

Ушбу чиқарилишдаги акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси - Ушбу чиқарилишдаги энг оҳирги акция жойлаштирилган сана, лекин Жамият юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб бир йилдан кечиктирмасдан жойлаштирилиши керак;

Ушбу чиқарилишдаги акцияларни жойлаштирилишининг тартиби - ушбу чиқарилишдаги акциялар “O‘zenergosotish” АЈ ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ўртасида биржадан ташқари уюлмаган бозорларда тўғридан-тўғри битим тузиш ва “Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийси” АЖда рўйхатдан ўтказиш йўли билан жойлаштирилади. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни жойлаштиришга андеррайтерларни жалб қилиш кўзда тутилмаган;

Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби - ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг жойлаштиришда имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш кўзда тутилмаган;

Ушбу чиқарилишдаги акцияларни жойлаштириш баҳоси - ушбу чиқарилишдаги акциялар номинал қийматда, яъни 1000 (минг) сўмдан жойлаштирилади;

Ушбу акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби - ушбу чиқарилишдаги акциялар учун тўлов “O‘zenergositish” АЖга юклатилган топшириқ ва вазифаларни ўз муддатларида бажарилишини ва Жамиятнинг фаолиятини йўлга қўйилишини таъминлаш учун “O‘zbekiston MET” АЖ томонидан “O‘zenergositish” АЖга топширилган баҳолаш қиймати 176 592 900,0 сўмлик мол-мулклар (мебел, техника ва офис ускуналари) ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг улуши сифатида амалга оширилади.

Мол-мулкларнинг баҳолаш қиймати Тошкент шаҳри, Кичик Бешёғоч кўчаси 128/3-22-уй манзилда жойлашган “ACTIV VALUATION” Масъулияти чекланган жамият томонидан аниқланган. “ACTIV VALUATION” МЧЖнинг Баҳоловчи ташкилотлар ассоциациясига аъзолиги тўғрисидаги гувоҳнома 136-сон рақами билан 2024 йил 20 мартда берилган;

Жамият устав капиталига берилаётган активларнинг баҳолаш қиймати ва жамият устав капитали ўртасидаги 900,0 сўм миқдоридаги фарқ жамиятнинг кейинги акциялар чиқарилишида давлат улушини шакллантиришда ҳисобга олинади;

Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби - Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда шу кундан эътиборан 10 кунлик муддатда акциялар учун тўлов сифатида берилган воситалар Жамият томонидан белгиланган тартибда қайтарилади.

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан:

“O‘zenergositish” АЖ акцияларининг бирламчи чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш учун Жамиятнинг акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорини амалдаги қонунчиликка асосан тасдиқлаш лозим.

Шу сабабли “O‘zenergositish” АЖнинг қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарори Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш Қоидалари (рўйхат рақами 2000-сонли, 2009 йил 30 августда Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтказилган) талабларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган.

Шунга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 сентябрдаги ПФ-166-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ “O‘zenergositish” АЖнинг Ягона таъсисчиси **қарор қилади:**

1. “O‘zenergositish” АЖнинг акциялар бирламчи чиқарилиши тўғрисидаги қарори иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. “O‘zenergositish” АЖ бошқарув раиси Ж.О.Обиджоновга Жамият акцияларининг бирламчи чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича тегишли ишларни амалга ошириш вазифаси юклатилсин.

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан:

“O‘zenergositish” AJнинг Ягона таъсисчисининг мазкур қарори билан Жамият акцияларининг бирламчи чиқарилишининг шартлари ва тартиби ҳамда акциялари бирламчи чиқарилиши тўғрисидаги қарор тасдиқланаётганлиги сабабли “O‘zenergositish” AJ Ягона таъсисчисининг 2024 йил 20 августдаги 6-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш лозим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ “O‘zenergositish” AJнинг Ягона таъсисчиси **қарор қилади:**

1. “O‘zenergositish” AJ Ягона таъсисчисининг мазкур қарори қабул қилинган санадан бошлаб Жамият Ягона таъсисчисининг 2024 йил 20 августдаги 6-сон қарорининг кун тартибидаги тўртинчи ва бешинчи масалалар бўйича қабул қилинган қарорлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси
Иқтисодиёт ва молия вазирининг
ўринбосари

 **Х. Мустафаев**